


2021 йил 14-декабр

## “Ўзкимёсаноат” АЖ “Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси” да иштирок этмоқда



Бугун “Ўзэкспомарказ”да “Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси” ўз фаолиятини бошлади. Ярмаркада “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти ҳам иштирок этмоқда ҳамда ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

“Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси”нинг биринчи кунда экспортбоп ва импорт

ўрнини босувчи маҳсулотлар кўргазмалари ва ишлаб чиқариш лойиҳа таклифлари ва саноат кооперациясини янада ривожлантириш мақсадида тақдимотлар намойиш этилди. Жумладан, куннинг иккинчи ярмида “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан “Кимё саноатининг маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш дастурлари” юзасидан тақдимоти ўтказилди.

Шунингдек, кўргазмада намойиш этилган ва импорт қилинаётган маҳсулотлар намуналарини тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзлаштириш бўйича В2В шаклида музокаралар олиб бориш ва ҳамкорлик битимлари тузиш жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация портали мутахассислари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

“Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси” жорий йилнинг 18 декабрига қадар давом этади.

**“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати**



Uzkimyosanoat





source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/tarmoqlararo-sanoat-yarmarkasi>